



O'ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 11-fevral. Seshanba • 19 (31.766)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Президентининг Сочига ташрифи ҳақида

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 февраль кuni Сочи шаҳрида XXII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Ўзбекистон Президентини «Адлер» аэропортида Сочи шаҳри раҳбарияти ва Халқаро Олимпия қўмитаси вакиллари кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари шу кuni мазкур улкан халқаро спорт байрами учун махсус барпо этилган Олимпия шаҳарчаси мажмуасидаги «Фишт» стадионида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу ажойиб ва гўзал тадбир Олимпиада иштирокчилари ва меҳмонлари учун, ҳеч шубҳасиз, асосий воқеа бўлди. Бош постановкачи, тажрибали продюсер К.Эрнст раҳбарлигида тайёрланган мазкур маросим микснинг кенглиги ва ноёб техник ечим билан стадиондаги барча томошабинларга катта завқ бағишлади, уларда унутилмас таассурот қолдирди. Бутун дунёдан келган спорт мухлислари тўрт йилликнинг асосий қишки мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатлар жамоаларини самимий қутлади.

Россиянинг машҳур спортчилари иштирокида Олимпия машғаласининг ёқили-

ши маросимнинг энг ёрқин дамлари бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Сочи ташрифи доирасида Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан амалий учрашув ўтказди. Аънанавий дўстлик ва очкилик руҳида ўтган суҳбат давомида томонлар кенг кўламли ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, Ўзбекистон Президентининг Туркманistonга бўлажак расмий ташрифи хусусида фикр алмашди.

Сочидаги тадбирлар давомида Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикаси Бош вазири Ражаб Таййиб Эрдоғон билан қисқа учрашув ҳам бўлиб ўтди. Икки мамлакат раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳақида ҳам фикр алмашди. Учрашув самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

ЎзХДП: устувор вазифалар



Электорат ишончини оқлай олаяпмизми?

Ҳар доим шу ҳақда ўйлашимиз керак

ЎзХДП тизимида семинар, давра суҳбатлари ўтказишдан олдин муҳокама этиладиган масалани чуқур ўрганиш, жойларга чиқиб таҳлил этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу гал ҳам шундай бўлди.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига мазкур вилоятдан сайланган депутатлар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари иштирокида Қибрай, Бўстонлик туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳар партия ташкилотлари фаолиятини ўрганиш бўлиб ўтди. Бошланғич партия ташкилотлари, партия кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгашидаги партия гуруҳи ўртасидаги ҳамкорлик таҳлил қилинди. Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ишларига баҳо берилди.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифаларга бағишлаб партия Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган семинар-тренингда ана шу мониторинг натижалари муҳокама этилди ҳамда галдаги устувор вазифалар кўриб чиқилди. Тадбирда Марказий Кенгаш масъул ходимлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари иштирок этди.

▶ Давоми 2-бетда.

Бандлик дастури — амалда

Буюртмачилар кўпаймоқда

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ўтган йили 6 миллион 32,3 минг долларлик 41 лойиҳа амалга оширилиб, 482 янги иш ўрни яратилди.

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор, яратилган кенг имкониятлар замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган мини-завад ва корхоналарни ташкил этиш имконини бераётди. Бунинг самарасида ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилаётган тадбиркорлар, етиштирган маҳсулотини қайта ишлаб, юқори даражада фермерлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ана шундай тадбиркорлардан бири — нукуслик Хўжабой Кўмиков йилгига 300 тонна полипропилен қоп ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Қорақалпоқ полимер» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматдорнинг асосий қисми касб-хўна қоллежи битирувчиларидир. Маҳсулот сифати халқаро талаблар даражасида бўлгани боис буюртмачилар ҳам кўпайиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси марказида яна бир хусусий корхона — «СБС Аққал» комплекси» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган 336 миллион сўмлик модернизация ишлари натижасида йилгига 5 миллион донна пишиқ гишт ва 300 тонна оҳак ишлаб чиқариш имконияти яратилиб, қўшимча иш ўринлари очилди.

А.ОРТИҚБОВ,
Ў.А. мухбири.

Хотин-қизлар учун янги иш жойи

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор вазифаларидан саналади.

Шу боис янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва касаначиликни кенгайтириш масалалари давлатимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Қашқадарё вилояти Яққабоб туманидаги «Фурқат» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Гўлсум Худойқулова яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, яқинда 20 донна тикувчилик машинаси сотиб олди. Натижада маҳалладаги 16 нафар чевар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Айни пайтда бу ерда болалар учун 12 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилиб, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган.

Ў.А. мухбири.

Алишер Навоий таваллуди кунига

Башарият эъзозидagi шоир



Шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ўтказилмоқда.

Аънаанага кўра, 9 февраль кuni Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 573 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

▶ Давоми 4-бетда.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг норматив асосини ташкил этадиган давлат қарорларининг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари масъулиятини ошириш учун курашади. Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайди.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Янги иш ўринлари

ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари ижроси билан ҳам узвий боғлиқ

Бугунги кунда ишсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатлар сонининг ортиб бораётгани ҳақон ҳамжамиятини ташвишлантираётган муаммолардан бирига айланиб қолгани кўпчиликка маълум. Ушбу муаммо сабаб айрим давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, қолаверса, сиёсий барқарорлигига путур етмоқда. Бунинг оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

Ёшларга қанчалик эътиборли бўлсак

тарафдорларимиз ҳам, ғояларимизни қўллаб-қувватловчилар ҳам шунча кўпаяди

Ҳозирги кунда «Навоий-азот» ОАЖда ЎзХДПнинг 230 нафар аъзоси меҳнат қилди. Ҳар ҳафтада бошланғич партия ташкилоти мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларга бағишланган давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этади.

Навбатдаги семинарда корхона ишчи-хизматлари билан бирга маҳаллий Кенгашлар депутатлари, олимлар, сиёсатчилар иштирок этди. Тадбирда асосий эътибор бугунги кунда БПТ олдида турган долзарб масалаларга қаратилди. Жумладан, касб-хўна қоллежларини битириб янги ишга қабул қилинган ёш ходимларга «устоз-шоғирд» аънавалари асосида эътиборли бўлиш, улар ишга кўникиб кетишларига кўмаклашиш каби масалалар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, электоратни ўйлаштиришда муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича юқори партия ташкилотларига таклифлар бериш ишлари-

ни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

— Бизнинг тадбирларимизда ҳар доим барча масалалар очиқ муҳокама этилади, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Гўлжамол Сатторов. — Аъзоларимизнинг 112 нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар бўлгани учун ҳам баҳс-мунозаралар кизгин ўтади. Ўтган йилдаги фаолиятимизни таҳлил қилиб, шунга амин бўлдики, БПТ фаол ва ташаббускор бўлсагина электорат манфаатига хизмат қиладиган ҳаётий таклифларни илгари сура олади, амалий ишлар билан тарафдорларни кўпайтиради. Бир мисолга эътибор қаратайлик, 2013 йилда корхонага 300 нафар қоллеж битирувчиси ишга қабул қилинди. Улар билан алоҳида иш олиб боришимиз сотиб олди. Наҳаёти, ёшларга қанча эътиборли бўлсак, ғояларимизни қўллаб-қувватловчилар ҳам шунча кўпайиб бораверади.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳакимбой ХУДОЙНАЗАРОВ, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси:



ёндонаётганлари ҳам учрамоқда. Фақат сессияларда иштирок этиш билан «депутатлик вазифамни адо этдим», деб ўйлаётган депутатларимиз ҳам йўқ эмас. Партия томонидан ўтказилган ижтимоий-сиёсий тадбирларда уларни учратиб қийин. Айрим маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳлари эса ўтган даврда қайси масалани ўрганиб, сессия кун тартибига олиб чиқганини айтишга қийналади. Ваҳоланки, айнан ушбу ҳудудда партияимиз электоратини ташвишга солаётган муаммолар оз эмас.

Менимча, депутатлар фаолиятини кучайтириш учун, аввало, уларнинг сайлов округлиги ишларини жонланттириш керак. Депутат ўз сайловчилари билан қандай ишлаётгани, улар кўтарётган масалаларни ҳал этиш бўйича қандай ташаббуслар билан чиқаётгани партия кенгашларининг назоратида туриши зарур, деб ҳисоблайман. Шунингдек, кўчма Жамоатчилик қабулхоналарини кўпроқ ташкил этиш ва унда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлашга эришиш керак. Чунки, шу орқали депутатлар жойларда учраётган муаммолардан яхшироқ хабардор бўлади, масалаларни аҳолининг ўзидан эшитиши, одамлар билан бевосита мулоқот юзата келади.

Нуқтани назар

— Одамлар депутатликка номзодга овоз берад экан, нафақат унинг ўзини қўллаб-қувватлайди, балки ортида турган сиёсий партияга ҳам ишонч билдиради. Демак, биз депутатлар берган ваъдамиз билан бирга партиянинг сайловолди дастурини бажаришга бевосита масъулмиз.

Маҳаллий Кенгашларга партияимиздан сайланган депутатларнинг кўпчилиги бутун ўз зиммасидаги вазифаларни сийқидилдан бажариб, сайловчилар ишончини оқлайди. Ўтган давр мобайнида вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида партияимиз гуруҳлари томонидан партия Сайловолди дастурида белгиланган турли ижтимоий масалалар чуқур ўрганилиб, доимий комиссия ва сессиялар кун тартибига киритилгани, партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этишда уларнинг иштироки сезиларли даражада кучайгани фикримиз исботилди.

Бироқ мамлакатимизда демократик жараёнларнинг чуқурлашиб бораётгани ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, ҳулоса чиқариб олишимизни тақозо этади.

Тўғриси айтганда, депутатларимиз орасида ўз бурчига юзати

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Тижорат сирини сақлашни учун

аввало, мулкдорнинг ўзи масъул бўлиши шарт



www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП:

тажриба ва таҳлил

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларининг ўтган йилдаги фаолияти яқунлари нималарни кўрсатмоқда?

Бу ҳақда таҳлилий мақолани газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида ўқийсиз.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Янги иш ўринлари

ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари ижроси билан ҳам узвий боғлиқ



Уша олган сурат.

Маълумки, ҳар бир мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирлари, молия, пул-кредит тизимининг барқарорлиги ҳамда макроиқтисодий ўсишга қаратилган иқтисодий сиёсат ишисизликнинг охиши ёки камайишига таъсир этади. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотиغا кўра, дунёда ишсизлар сони 200 миллион кишига етган. 2014 йил давомида бу кўрсаткич яна 5-6 миллионга кўпайиши ҳақида прогноз эълон қилинган.

Мамлакатимизда узоқни кўрлаб амалга оширилётган иш-лохотлар, инкиरोзга қарши курашган чора-тадбирлар натижа-сида иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари таъминлаб келин-моқда. Инвестиция, маҳаллий-лаштириш ва бошқа қатор мақ-садли дастурларнинг амалга оширилиши иш ўринлари кў-пайишига ижобий таъсир кўр-сатмоқда.

Хар йили иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъ-минлаш Дастури парламент да-ражасида қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловоти Дастури-нинг асосий йўналишларида айнан бандлик масаласига кенг эътибор қаратилганини алоҳи-да таъкидлашимиз керак. Маъ-лумки, 2009 йилдан бошлаб, ҳар йили Қонунчилик палатасидаги

ЎзХДП фракциясининг ташаб-буси билан бандлик Дастури-нинг ижроси парламентга муҳо-кама қилиниб, ҳукуматга тегиш-ли тақлиф ва тавсиялар бери-ляпти. Хусусан, партиямиз элек-торати манфаатларидан келиб чиқиб, билдирилган тақлифлар асосида Дастурнинг янада та-комиллашиб боришига эриш-моқдамиз. Бунда партиямиз барча ташкилотларининг хизма-ти катта бўлмоқда.

Олдинги йиллардаги Дастур-лардан фарқи равишда бу йилги Дастурда банд бўлмаган аҳолини ва коллежлар битирув-чиларини ишга жойлаштириш-га доир алоҳида чора-тадбир-лар назарда тутилган. Уларга асосан, ишсизлар, коллеж би-тирувчилари, Қуролли кучлар сафларидан бўшатилганлар, иқтисодиётдаги тарихий ўзга-ришлар натижасида иш жойи-ни йўқотган фуқаролар, ноғи-ронлар, яқка-ёлғизлар ва бош-қа тоифадаги банд бўлмаган-ларни ишга жойлаштириш бў-йича хизматлар кўрсатилиб, ёр-дам берилди. Бу Халқ демок-ратик партияси электорати ман-фаатлари ҳимоя қилинишида, дастурий мақсадларимиз амал-га ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилда ҳам бандлик масаласи партиямизнинг асо-сий эътиборидаги масалалар-дан ҳисобланади, албатта. Фа-қат шу ўринда бир фикрни ало-ҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўтган йиллар давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-ларидаги партия гуруҳларимиз дастурий мақсадларимиздан келиб чиқиб, бевосита бандлик Дастури ижросига кўпроқ эъти-бор қаратди. Бандлик масала-си, иш ўринлари яратишнинг ўзига хос хусусиятлари, асосан, битта дастур ижроси доираси-да муҳокама қилинди.

Менимча, эндиликда иш ўрин-лари очилиши, қишлоқ аҳоли-сининг турмуш шароити яхши-ланиши билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа дастурлар ижроси устидан ҳам жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучай-тиришга алоҳида эътибор бери-шимиз керак. Партиямизнинг 2014 йилга мўлжалланган Ҳара-кат Дастурида бу масала ино-батта олингани бежиз эмас.

2014 йилда иш ўринлари таш-кил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ҳудудлар-и таъминлаш, меҳнат бозори эҳти-ёж-ни ҳисобга олган ҳолда, иқти-

Хусусан, Дастурга мувофиқ, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилма объектла-рининг барло этилиши ҳисоби-га 67,1 минг янги иш ўрни таш-кил этилиши керак.

Бу йўналишнинг ўзига хос ху-сусияти шундаки, унда назар-да тутилган лойиҳаларни амал-га ошириш вақтинча ишсиз аҳолини доимий иш ўрни бил-ан таъминлашда муҳим аҳами-ят касб этади. Маҳаллий иш-лаб чиқарувчилар маҳсулотла-рининг сотилиш имконияти ке-нгайди, улар учун бозор ярати-лади, турмуш тарзимизда кўш-имча қулайликлар кўпаяди. Президентимизнинг «2011-2015 йилларда инфратузилма-ни, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожлантириши жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳудудларда инфрату-зилмани ривожлантиришда, янги иш жойлари яратиш, аҳоли турмуш даражаси узлуксиз ўси-б боришини таъминлашда муҳим

Термиз йўналишида 2011-2015 йилларда 43 та объект қуриб, фойдаланишга топшириш бел-гилаб берилган. Ўрганиш даво-мида 2011-2012 йилларда улар-нинг фақат 5 таси қурилиб, фойдаланишга топширилгани маълум бўлди. Ваҳоланки, режа бўйича 10 та объект қурилиши керак эди.

Бу масала мутахассис ва му-тасаддилар иштирокида таҳлил қилинганда, вилоят ва туман ҳокимликлари, йўл-қурилиш ташкилотлари, давлат архитек-тура қурилиши мутасаддилари, тадбиркорлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйил-магани, Қарорда белгиланган вазибаларни амалга ошириш юзасидан маҳаллий ҳокимлик-лар томонидан тизимий мони-торинг ўрнатилмагани қайд этилди. Афсуски, янги иш жой-лари яратилиши билан боғлиқ бу муҳим масалалар тегишли маҳаллий Кенгашлардаги пар-тия гуруҳлари йиғилишларида, сессияларда муҳокама қилин-маган.

Агар халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашлар депутатлари бунга ўз вақтида эътибор қарат-са, сессияларда инфратузилма объектиларининг қуриб биткази-лиши кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинса, бу ҳам бевосита иш ўринлари кўпайи-ши, турмуш фаровонлиги оши-шига ижобий таъсир кўрсатган бўларди.

Демак, ҳаётий тажриба биз депутатлардан таҳлилларни яна-да чуқур олиб боришни, жой-ларда нафақат бандлик Дасту-ри, шу билан бирга, иш ўрин-лари яратилишига хизмат қила-диган, соҳа ва тармоқлар ри-вожига қаратилган бошқа дас-турлар ижроси устидан ҳам де-путатлик назоратини янада ку-чайтиришни талаб этмоқда.

Маҳаллий ижро ҳокимияти, мутасадди ташкилотлар раҳ-барлари фаолияти устидан ти-зимли парламент ва депутат-лик назоратини ўрнатиш маж-зу муаммо ва камчиликлар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Алишер СОДИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Ҳаётий тажриба биз депутатлардан таҳлилларни янада чуқур олиб боришни, жойларда нафақат бандлик Дастури, шу билан бирга, иш ўринлари яратилишига хизмат қиладиган, соҳа ва тармоқлар ривожига қаратилган бошқа дастурлар ижроси устидан ҳам депутатлик назоратини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

содиёт тармоқлари, бир қатор етакчи соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларига мос равишда ишлаб чиқилган. Бу йил мамлакатимизда асо-сий иш ўринлари янги объект-ларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қайта жиҳозлаш ва мавжуд қу-вватлардан янада тўлиқ фойда-ланиш, sanoat, эътибор кўрса-тиш ва сервис ривожланти-риш, инфратузилма, коммуни-кация ва уй-жой объектлари қурилиши кўламини кенгайти-риш орқали яратилади.

аҳамиятга эга бўлмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзолари 2013 йилда Ўзбеки-стон миллий автомагистрали (Бухоро-Қарши-Фузор-Термиз йўналиши) ёқасида инфра-структура ва сервис объектла-ри қурилишининг мақсадли па-раметрлари бажарилишини на-зорат-таҳлил тартибида ўрган-ган эди. Президентимизнинг Қарори-га мувофиқ, М 39 автомобиль йўлининг Бухоро-Қарши-Фузор-

ЎзХДП: устувор вазибалар

Электрат ишончини оқлай олаямизми?

Ҳар доим шу ҳақда ўйлашимиз керак

Шухрат ТУРСУНБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуна-лари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дасту-рининг энг муҳим устувор йўналишларига бағиш-ланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъру-засини тизлаб, яна бир бор амин бўдимки, мам-лакатни ҳар томонлама ривожлантириш учун од-дий фуқародан тортиб, мансабдор шахс, давлат ташкилоти, нодавлат нотижорат ташкилотлари би-ргаликда, ҳамжихатликда иш олиб бориши зарур. Бу йўлда энг аввало, сиёсий партиялар фаол, ис-лохотларнинг ташаббускори бўлиши муҳим аҳа-

миятга эга. Шунинг учун партиянинг бошланғич ташкилотидан тортиб, энг юқори органигача бир бутун механизм сифатида ишлаши керак. Маърузада иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эъти-бор берилди. Бу партиямиз учун ҳам устувор аҳамиятга эга. Биз Дастур ижросига эътибор қарати-б, уни парламент эшитишга олиб чиқаямиз. Бирок, ўтган йиллар давомида яратилган иш ўрин-ларининг барқарорлиги қай даражада эканига етарли аҳамият бермаямиз. Бугун меҳнат қила-ётган йигит-қизлар эртага ишсиз қолса, улар-нинг тақдири қандай кечади? Ўйлашимча, Дастур ижроси билан бирга, олдинги йилларда ташкил этилган иш ўринларининг барқарорлигини таъ-минлашни ҳам назорат қилишимиз лозим.



Фаруҳ АЛИЕВ олган суратлар.

Сирожиддин АЪЗАМОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Бугунги кунда халқ де-путатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлар-идаги партия гуруҳларида 288 нафар депутатимиз фаолият юритмоқда. Аммо ишимиздан кўнглимиз тўла-пти, деб айта олмаймиз. Чунки, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш-да фойдаланилмаётган им-кониятлар кўп бўлишига қарамадан, депутатлари-мизнинг бу борадаги та-шаббускорлиги етарли да-ражада эмас. Биргина ми-сол. Таҳлилларга қараганда, айни пайтда вилоятимизда 611 та катта-кичик бино бўш турибди. Бирок, ўша ҳудуд-лардаги депутатлар бунга етарли эътибор қаратмаяп-ти. Аслида партия гуруҳла-

янада кенгайтирган бўла-миз. Таҳлилларга кўра, 2013 йилги Ҳаракат Дастурига мувофиқ вилоятнинг туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томони-дан 24 та масала ўрганил-ган. Шундан 19 таси дои-мий комиссияларда, 16 та-си сессияларда муҳокама этилган. Уларда кам таъмин-ланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар ман-фаати, бандлик ва иш ўрин-лари ташкил этиш, инвес-тиция ва маҳаллийлашти-риш Дастурлари ижроси каби масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси бўйича де-путатлик назорати ўрнати-лган. Бу жараёнда Ангрэн, Чирчиқ шаҳар, Бўка, Қиб-рай ва Юқори Чирчиқ ту-манларидаги партия гуруҳ-лари алоҳида фаоллик кўр-сатмоқда.

Захро НУРМАТОВА, ЎзХДП Қибрай туман кенгаши раиси:

— Ўтган йил давомида партия гу-руҳимиз 4 та масалани ўрганди. 3 масала доимий комиссияда, биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган 2 масала сессияда муҳокама этил-ди. Хусусан, ишлаб чиқариш корхо-наларини кенгайтириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш тўғрисидаги масала дастлаб партия гуруҳида,

кейинчалик доимий комиссия ва сессияда кўриб чиқилди. Ҳозирги кунда сессия қарори ижросини таъминлаш мақсадида де-путатлик назорати ўрнатилган. Жор-ий йилнинг биринчи ярмида маж-кур қарор ижроси билан боғлиқ ма-салани яна бир бор сессия муҳока-масига олиб чиқишни режалашти-рганмиз. Бу масала кейинчалик ви-лоят даражасида кўриб чиқилиши-га эришмоқчимиз.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзоси Дамир Сиддиқов, Қонунчилик палатаси депутати Алия Юнусова, Сайдиовали Аҳмедов ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тадбир яку-нида ўрганиш натижалари умумлаштирилиб, мавжуд камчиликларни ба-р-тароф этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Электрат ишон-чини қандай оқлаямиз, деган саволга ҳар бир партия фаоли, депутат жавоб излаши зарурлиги таъкидланди. Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев иштирок этди ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари олдида турган муҳим вазибалар ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ижтимоий ҳимоя

Ҳозирги даврда жаҳонда меҳнат ресурсларига талаб кескин ошиб бормоқда. Йирик ишлаб чиқариш кучлари арзон ва сифатли ишчи кучи учун дунё меҳнат бозорида рақобатга кириш-ган, халқаро меҳнат миграция оқими кучайган давр. Албатта, бундай шароитда давлатлар-аро миграция оқимларини тартибга солиш, нолегал миграция кўламини пасайтириш ҳамда мигрантлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Кафолатли иш ҳақи, меҳнат шароити ва муҳофазаси

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентли-ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаоли-яти ташкил этишни тақомил-лаштириш чора-тадбирлари тў-ғрисида»ги қарорига асосан таш-кил этилди.

Агентликка меҳнат миграция-си соҳасидаги халқаро ҳамкор-лик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқа-раларни Ўзбекистон Республи-касида ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш ва рухсатно-малар бериш масалалари бўй-ича хорижий давлатларнинг ва-колатли органлари билан ҳам-корлик қилиш, бир сўз билан айтганда, меҳнат миграцияси билан боғлиқ вазибалар юк-латилган.

Ўзбекистон Республикаси фу-қаролари Ўзбекистон Республи-каси қонун ҳужжатлариға муво-фиқ ҳукуматлараро, идоралар-аро шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агент-лиги ва Фуқароларни чет эл-ларда ишга жойлаштириш бў-йича ҳўжалик ҳисобидаги мин-такавий бюроларнинг кўмағида Ўзбекистон Республикаси Меҳ-нат ва аҳолини ижтимоий му-ҳофаза қилиш вазирлиги то-монидан белгиланадиган тар-тибда меҳнат фаолиятини амал-га ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқиға эғадирлар. Хусусий меҳ-нат контрактлари бўйича меҳ-нат фаолиятини амалга ошириш учун ҳам чет элларға фақат Таш-қи меҳнат миграцияси масала-лари агентлиги томонидан бе-риладиган рухсатномалар асо-сида чиқилади.

Хорижга ишлаш учун кетаёт-ган фуқароларимиз хориждаги иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасига кўра, иш берувчи томонидан рўйхатга олин-иб, меҳнат шартномалари ле-гализация қилинади. Унинг яшаш ва меҳнат қилиш шарт-шароитлари, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, тиббий суғуртаси меҳ-нат шартномасига асосан ка-фолатланади.

Кўпчилики Жанубий Корея Республикасига ишга кетиш ма-салалари қизиқтиради. 2006 йил Ўзбекистон Республикаси Меҳ-нат ва аҳолини ижтимоий му-ҳофаза қилиш вазирлиги ҳам-да Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида Жанубий Кореяға «Бандликка рухсат бе-лаш тизими бўйича (Эркин ёл-лаш) ишчи кучини юбориш тў-ғрисида»ги Меморандум имзо-ланган. Мазкур Меморандум ҳар икки йилда узайтирилиб ке-линмоқда.

Корея Республикасида иш-лаш истагини билдирган (ёши 18-39 гача, соғлом, судланма-ган, аввал Кореяда нолегал юр-маган ва мажбуран Корея Ре-спубликасидан чиқариб юборил-маган, чет элга чиқиши тақий-ланмаган) фуқаролар Корея Республикаси Эркин ёллаш ти-зимини бўйича корейс тилидан тест синовларида қатнашиш-лари талаб этилади. Тест синов-ларида иштирок этиш учун рўйхатга олиш жараёни амалга оширилади. Рўйхатга олинган фуқароларға тестга кириш учун рухсатнома(жетон) берилди.

Тест синовларидан муваффа-қиятли ўтган фуқароларнинг но-миға корейс иш берувчилари-дан меҳнат шартномаси келган

дан сўнг фуқаролар Агентлик томонидан белгиланган тартиб-да Корея Республикасига меҳ-нат фаолиятини амалга ошириш учун юборилади.

Афсуски, улар орасида иш жойларини ўзбошимчалик бил-лан ташлаб кетиб, ноқонуний фаолият юритаётганлари ҳам учрамоқда. Натижада бундай кишилар меҳнат, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлардан ҳимоясиз қолиб, турли муаммо ва қийин-чиликларға учрамоқда. Бу эса давлатимиз шаъниға путур ет-казиши билан бирға фуқаро-ларимизға бўш иш ўринлари, яъни квота ажратилишиға таъ-сирини ўтказаяпти.

Фалон мамлакатда зўр иш бор экан, деган гапларға ишониб, кимларнингдир ортидан кетаёт-ган фуқароларимиз ҳеч бир ҳимоясиз қолаётган, алдов ва фирбибонға учиб одам савдо-си қурбонига айланаётган ҳо-латлар ҳам, афсуски, кам эмас. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши ку-рашиш тўғрисида»ги қонуни,

Хусусий меҳнат кон-трактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ҳам чет элларға фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар асосида чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг 2008 йил 8 июл-даги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тў-ғрисида»ги қароридан бу борада тезкор ва таъсирчан чора-тад-бирлар белгиланган. Жумладан, чет элларда ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш ва одам савдосига йўл қўйма-лик мақсадида маҳаллий дав-лат ҳокимияти органлари, ҳу-қуқни муҳофаза қилувчи идора-лар, ҳудудий Меҳнат ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, ҳудудий Бандликка кўмаклашиш ва аҳо-лини ижтимоий муҳофаза қи-лаш марказлари, республика «Маҳалла» хайрия жамоат фон-ди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро ҳамкорлик ҳаракатларини амал-га оширмоқда.

Фуқаролар четға чиқаётган-да энг аввало, кафолатли ойлик маоши, меҳнат шароити ва му-ҳофазасига эға бўлган иш ўр-ниға интилиши лозим. Бу бо-рада, яна такорлаймиз, мам-лакатимизда фуқароларға ёр-дам берадиган ваколатли идо-ра — Ташқи меҳнат миграция-си масалалари агентлиги ҳи-собланади.

Самандар МАМАШАКИРОВ, Агентлик бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Давоми. Боши 1-бетда.

Долзарб мавзу

Пластик карточкалар қулай, лекин...

унинг ишлатилиши билан боғлиқ айрим масалалар хусусида



Бир пайтлар нақд пулсиз галати савдо усули бўлиб туюлган пластик карточкалар бугун ҳаётимиздан муқим жой эгаллади. Муомаладаги пластик карточкалар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган терминаллар сони кескин ўсди. Дўконга кирасизми, бозорга борасизми, билет оласизми, чироққа ёки газга пул тўлайми, дейсизми, тўлов терминаллари жорий қилинган.

Аммо барча жойларда ҳам терминаллардан тўлқ фойдаланилаётгани ёки улар етарли таъминланган деб бўлмайди. Ҳатто пластик карточка орқали савдо амалга ошириладиганда устама-лар олинаётган, уни ишламаётган баҳонаси билан истеъмолчилар сарсон қилинаётган ҳоллар ҳам учрамоқда.

Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи Ерпўлат Пирлепесов «GULAYIM» МЧЖга қарашли пропан газ қуйиш шохобчасидан автомобилга пластик карточкаси орқали 54 минг сўмлик газ қуймоқчи бўлди. Аммо оператор «ҳозирча банк билан алоқа йўқ», деган жавоб билан пластикни қайтариб берди. Нақд пул йўқ истеъмолчининг кейинги газ қуйиш шохобчасига боришига тўри келди. Бу ерда эса маълум бўлдики, олдинги шохобчада пластик карточкаси билан пул ечиб олинган экан. Терминал ишламаётган, деб алдагани етмаганидек, пластикдаги пулга ўғирлиқ қилгани нимаси? Е.Пирлепесов дарҳол орқасига қайтиб, шохобча операторига учрашди. У пинагини ҳам бузмади, аксинча ўзини ҳеч нарсадан хабарсизга олди.

Суриштирув-тортишувлар ва асаббузарликлардан сўнг охири 54 минг сўм пул ҳақиқатан ҳам «GULAYIM» МЧЖга қарашли пропан газ қуйиш шохобчаси томонидан ечиб олинганиги маълум бўлди.

Зарафшон шаҳрида яна бир ноинсоф тadbirkor фуқаро А.Собиоровнинг пластик карточкаси билан пул ечиб олинган экан. Терминал ишламаётган, деб алдагани етмаганидек, пластикдаги пулга ўғирлиқ қилгани нимаси? Е.Пирлепесов дарҳол орқасига қайтиб, шохобча операторига учрашди. У пинагини ҳам бузмади, аксинча ўзини ҳеч нарсадан хабарсизга олди.

Юқоридагига ўхшаш вазиятлар тўғрисида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Федерациясига ҳам мурожаатлар бўлаётган экан. — Ушбу мурожаатларнинг ак-

сарияти банк пластик карточкалар, айниқса, онлайн пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишда алоқа линияларининг талабга жавоб бераётганлиги ёки маҳсулотларни пластик карточкада ўз қийматидан биров қиммат сотаётган, терминаллар мавжуд бўла туриб, унинг ишламаётганлигини вақт келиб кўрсатаётган айрим тadbirkorлар ҳамда пластикдан нақд пул ечишдаги масалалар тўғрисида, — дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Федерациясининг ахборот хизмати бошлиги Умида Мансурова. — Айниқса, айрим умумий оватланиш ва кимёвий тозалаш корхоналари, тикувчилик ательелари, гўзаллик салонлари, машиий-техника жиҳозлари ва автомобилларга техника хизмат кўрсатувчи шохобчаларда тўлов терминалларининг йўқлиги аҳолининг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 12-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Феруза Бобожонова ойлик маоши учун бўнак (аванс) пулини пластик карточкасига туширишида муаммолар ҳолатга тушган. Ҳафтанинг шанба кунига тўри келганлиги учун хизмат кўрсатувчи банк ҳам, банкومات ва инфокиоск ҳам ишламаган. Қаерга боради, уйда фарзанди кечаси билан иситилмаб чиқди, унга дори-дармон зарур, дори учун пул керак... Ақсари олиб қайнона-қайнотаси узоққа меҳмондорчиликка кетган, турмуш ўртоғи хизмат сафарига. У банкка чиқилди, бу банкка айтилди, ўртага истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бираммаси вакиллари аралашди. Ниҳоят, АТИБ «Ипотека-банк» Хоразм филиалидан Феруза Бобожонованинг пластик карточкасига пул юкляб олинди.

Марказий банкнинг Матбуот хизмати томонидан таъкидланганича, республикамизнинг бар-

ча шаҳар ва туманларида банкومات ёки инфокиосклар доимий равишда, яъни дам олиш кунларисиз 24 соат давомида ишлаши керак экан. Кўриб турибсиз, ҳар жойда ҳам бу қоидага амал қилинапти, деб бўлмайди. На-тижада истеъмолчи овора бўлмоқда, қийинчиликка дуч кела-япти.

— Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорида тўлов терминали мажбурий ўрнатилиши лозим бўлган чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари кўрсатилган, — дейди Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиги Шавкат Аберкулов. — Улар авиация ва темир йўллар патталарини сотиш кассалари, автовокзал ва автостанциялар кассалари, автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчалари, меҳмонхоналар, кредит ташкилотлари (микрорекрет ташкилотлари, ломбардлар), суғурта ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари, тургун савдо шохобчалари, шу жумладан, дорихоналар, умумий оватланиш объектлари, уй-жой-коммунал, шунингдек, телефон алоқа хизматлари, уяли алоқа телефонлари хизматлари учун аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчалари, автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари, алоқа бўлимлари, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда маданий-оммавий ва томоша тadbirkorлари ўтказиладиган объектлар, аҳоли билан пуллиқ ҳисоб-китобларни амалга оширувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектлар. Юқорида санаб ўтилган хизмат кўрсатиш шохобчалари эгалари терминал ўрнатилмаган, деб баҳона қилишлари мумкин эмас. Тўлов терминалининг носозлиги рўқач қилиниб, банк пластик карточкалари орқали тўловлар қабул қилинмаслик ҳолатларига нисбатан қонун ҳужжатларида молиявий, маъмурий ва жинойий жавобгарлик белгиланган.

Дарҳақиқат, солиқ кодексининг 119-моддасига мувофиқ, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш

мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солинади. Агар бундай ҳолат жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида яна содир этилса, энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима қўлланилади.

Пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жаримага сабаб бўлади. Жаримадан кейин бир йил ичида шу ҳол яна рўй берса энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жаримага тортилади.

«Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан айланма табларга тақчиллигига дуч келаётган чакана савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотларига терминал сотиб олиш учун банклар томонидан имтиёзли кредитлар берилиши кўзда тутилган. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази банкوماتлар, терминаллар, коммутиция усуналари ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-усуналардан, шунингдек, дастурий таъминот сифатидаги мол-мулкдан 2005 йилдан жорий йил бошигача мулк солиғи тўлашдан озод қилинган ва бошқа яна бир қатор имтиёзлар яратилган.

Кўриниб турибдики, давлатимиз томонидан аҳолига тўлов тизимига қулайлик яратиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланганини қисқартириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда, ҳужжатлар қабул қилинган. Уларнинг жойларда тўла-тўқис бажарилиши, аввало, ҳар биримизга боғлиқ. Кичкина муаммага қўл силтаб кетсак ёки менга нима қабилида муносабатда бўлсак масала ечиммайди. Аксинча, у жиддий кўриниш олади ва ташвиш келтиради. Қаердаки терминал ишламаётган ёки нақдига бунча, пластикка бунча бўлади дейиладиган савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига, калондимоғ, алдоқчи тadbirkorларга дуч келинса, беравоб бўлиш мумкин эмас. Истеъмолчи сифатида ҳар бири ким ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиши зарур. Бу борада у мурожаат қиладиган идора ва ташкилотлар ҳам етарли. Ижтимоий фаоллик ва ҳуқуқий саводхонлик ҳаёда учраб турадиган муаммоларни бартараф қилишининг энг мақбул ва самарали йўли.

Тоштенг ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Кўк чой дорини «кесади»



Кўк чой инсон саломатлиги учун ўта фойдали эканлигига бугунги кунда ҳеч ким шубҳа қилмайди. Шу боисдан ҳам кўпгина мамлакатларда кўк чой истеъмолчи анча оммалашган. Бироқ...

Яқинда япон олимлари янги тadbirkor натижаларини эълон қилди. Матълум бўлишича, дейилади «Мир новостей» ҳафталигида чоп этилган каттагина таҳлилчи мақолада, кўк чой қон босими кўтарилишига қарши қабул қилинган дори кучини «кесаркан». Олимлар юрак хасталигига чалинганлар ораси-

да жуда оммалашган «Надолол» дори воситаси устида тadbirkor ўтказиб, шундай ҳулосага келдилар.

Матълумки, бу дори қон босимини туширади, стенокардия (юрак мускулларининг сиқилиши ва шунинг натижасида пайдо бўладиган оғрик) ва юрак уриши ритми бузилишини даволайди.

Кўк чой таркибида мавжуд бўлган катехин моддаси (жуда фойдали биологик фаол модда) эса «Надолол»нинг қонга сўрилишига ёрдам берувчи ўзига хос ферментни ўраб олади ва сўрилиш жараёнини қийинлаштиради. Натижада дори жуда ёмон ўзлаштирилади ва унинг самараси камайиб кетади. Шу сабабдан олимлар кўк чой ёки мева шарбати ичган одам 6 соатдан кейингига дори истеъмол қилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Замбуруғ чанги



касалликка сабаб бўлмоқда

АҚШнинг жануби-ғарбида ҳар йили замбуруғ споралари (гулсиз ўсимликларнинг ва баъзи бир ҳужайрали жониворларнинг урчиш органи), яъни олдий тил билан айтганда, замбуруғ чанги билан боғлиқ хасталик — водий безгаги эпидемик тус олмақда.

«The New Yorker» журналида чоп этилган мақолада қайд қилинишича, «Coccidioides Immitis» деб номланган замбуруғ тури аслида саҳроли ҳудудларда ўсади. Бироқ кейинги пайтда қишлоқ

ҳўжалиги ўз худудини кенгайтириб бораётгани бу замбуруғлар колонияси чангини кўзга тиб юбормоқда ва улар кучли шамоллар ёрдамида чанг-тўзонларга аралашиб, аҳоли яшайдиган ҳудудларга тарқалмоқда. Оқибатда одамларни захарламоқда. Ҳар йили 150 минггача киши айнан водий безгагига чалинади. Касалланганларнинг учдан икки қисми Аризона штатига тўғри келади. Калифорния, Нью-Мексико, Невада, Техас штатларида ҳам бу касаллик тез-тез учрамоқда. 2012 йилда у энг кен тарқалувчи касалликлар рўйхатида иккинчи ўринни олди.

Замбуруғ споралари нафас йўллари орқали организмга кириб, биринчи гада ўпкани, шунингдек, тери, суяк, жигар, мия ва юракни захарлайди.

Болалар сони камайган



ГФР Федерал статистика муассасаси томонидан тайёрланган маърузага асосланиб «DW-World» нашри хабар тарқатишича, Германияда болалар сони анча паст бўлиб, бу борада у Европа давлатлари орасида охириги ўриларда. Мамлакат аҳолисининг 16,5 фоизигина 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардир. Матълумотларга қараган-

да, 2000 йилдан кейин ГФРда болалар сони 14 фоизга камайган.

Агар Европанинг бошқа давлатларига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Францияда болалар сони аҳолининг 22 фоизини ташкил қилади, Италияда 20 фоизга тенг. Энг балан д кўрсаткич Туркияда экан — 31,2 фоиз. Бу ҳар уч кишининг бири 18 ёшга тўлмаган ўсимир дегани.

Германиядан ташқари охириги ўрилдан Италия билан Болгарияга ҳам тўғри келган — бирди болалар сони аҳолининг атиги 16,9 фоизини ташкил этса, иккинчисидан бу рақам 16,7га тенг.

ЎзХДП бош мақсади: ижтимоий ҳимоя

Қишлоқда янги йодланган ош тузи ишлаб чиқариш корхонаси

Шербод туманининг шарқий қисмида азим Қўхтанг тоғи жойлашган. Олиб борилган илиий тадиқотлар натижасида бу ерда улкан ош тузи захираси мавжудлиги аниқланди. Яқинда иш бошланган «Эмин оға» хусусий корхонаси томонидан замонавий технологиялар асосида бир кеча-кундузда 8 тоннагача хомаш ўйлаб ишланган, 750-900 граммли йодланган ош тузи тайёрлашни йўлга қўйилди. Экологик тоза, сифатли ҳамда арзон маҳсулот халқимизга манзур бўлмоқда.

Йодланган ош тузи инсон саломатлиги учун муҳим, — дейди корхона раҳбари Мелимурод Мамарасулов. — У одамларда учрайдиган сурункали шамоллаш, ўпка яллиғланиши, аллергия, хафакон, кўкйўтал, бўқоқ сингари бир қатор хафли хасталикларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Туман марказидан 60-70 километр олинган жойлашган тоғонди қишлоқларда 20 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди Зарабоғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП аъзоси Хайназар Боймирзаев. — Маҳалламизда янги корхонанинг иш бошлангани айни муддао бўлди. Биргина йодланган ош тузи ишлаб чиқарадиган корхонанинг фаолияти туфайли қишлоқ ёшларидан 12 нафарининг бандлиги таъминланди. Келажакда корхона ўз йўналишини кенгайтириши орқали яна 20 та иш ўрни яратишни режалаштирмоқда. Бу каби хайрли ишлар худудлар инфратузилмасини ўзгартириш билан бирга аҳоли бандлигини таъминлаш ва халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ ризторлик ташкилоти

Бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Очиқ аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Қибрай тумани ҳокимияти томонидан тақдим этилган қуйидаги боғзорлар қўйилади:

1. «QIBRAY-SHOYUSUPOV SHUHRAT» фермер хўжалигига қарашли, Қибрай тумани, «Қибрай Зародин» агрофирмаси худудидидаги умумий майдони 15,2 га ер участкасида жойлашган, диаметри 17 см.дан 21 см.гача бўлган 1267 туп олма ва 2330 туп олхўри ҳамда диаметри 9 см.дан 13см.гача бўлган 529 туп олхўри, жами 4126 туп мевали дарахт қўчатлари.
2. «MANSUROV ERKIN» фермер хўжалигига қарашли, Қибрай тумани, «Ёнарик» ҚФЙ, «Маданият агробизнес» агрофирмаси худудидидаги умумий майдони 2,6 га ер участкасида жойлашган, диаметри 2 см.дан 6 см.гача бўлган 620 туп олма қўчатлари.

Бошланғич нархи — 1 500 000,0 (бир миллион беш юз минг) сўм. Аукцион савдолари 2014 йил 13 март куни соат 16-00да бошланади ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хонада (мажлислар залида) ўтказилади. Мазкур боғзорлар юқорида белгиланган савдо кунда сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилганга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари соат 16-00да ўтказилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун

талабгорлар Савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишувга асосан боғзорлар бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо ўтказилиши санасига қадар «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425; СТІР: 207142288; 20208000204955218001 ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим.

Талабгорлардан буюртманомалар, тўлов ҳужжатлари, шахсни тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатлар, мазкур эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунларида ва вақтларида Савдо ташкилотчисининг манзили бўйича қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишидан икки кун аввал соат 17-00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида белгиланган талабларга риоя этган барча шахслар қатнашишлари мумкин. Савдо голибига голиблик баённомаси имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида Сотувчи билан олди-соти-ди шартномасини тузиш, закатат пули миқдори боғзорлар сотилиш нархининг 10 (ўн) фоизидан камини ташкил этса, олди-соти-ди шартномаси тузилгунга қадар етишмаётган суммани закатат пули тўланган ҳисоб-рақамига тўлаш мажбуриятлари юклатилади. Бундан ташқари, боғзорларни сотиб олган шахслар белгиланган тартибда Тошкент вилояти, Қибрай тумани ҳокимияти билан улар жойлашган ер майдонига нисбатан узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тузишлари

ҳамда ушбу ер майдонидан 10 йил муддат мобайнида мавжуд иختисослашувни сақлаб қолган ҳолда оқилона фойдаланишлари шарт.

Ушбу боғзорларни харид қилишга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг тавсифи, ҳақиқий ҳолати, жойлашган манзили ва аукцион савдосида қатнашиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги маълумотлар билан Сотувчилар, Тасарруф этувчи ва Савдо ташкилотчисининг қуйидаги манзилларига бориб ёки алоқа воситалари орқали танишишлари мумкин.

Сотувчи — «QIBRAY-SHOYUSUPOV SHUHRAT» фермер хўжалиги. Манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қипчоқ» ҚФЙ, Шералиев кўчаси, 138-«А» уй. Телефон: (90) 955-47-26.

Сотувчи — «MANSUROV ERKIN» фермер хўжалиги. Манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Ёнарик» ҚФЙ, Б.Муҳитдинов кўчаси, 26-уй. Телефон: (94) 402-53-23.

Тасарруф этувчи — Тошкент вилояти, Қибрай тумани ҳокимияти. Манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебунисо кўчаси, 1-уй. Телефон: (+8 370) 150-76-18; факс: (+8 370) 150-08-44.

Савдо ташкилотчиси — «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ ризторлик ташкилоти. Манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: 233-20-13. Расмий веб-сайти: TPI.uz.

Лицензия: №RR-0109.

Шунингдек, «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ томонидан «Ўзбектелеком» ОАЖ АК Тошкент филиали балансида бўлган кўчмас мулк объектлари бўйича газетанинг 2014 йил 21 январдаги сонидан берилган эълон аввалги эълонга қўшимча тарзда берилганлиги, яъни талабгорлардан буюртманомалар аввалги эълон бўйича ҳам қабул қилиниши ҳамда газетанинг 2013 йил 26 ноябрдаги 142-сонидан берилган эълонга қўрсатилган «YANGIOBOD — HAYDAROV YORQINJON» фермер хўжалигига қарашли боғзор бўйича оммавий офорта савдоси бекор қилинганлиги маълум қилинади.



(ЎзА) олган суратлар.



Алишер Навоий таваллуди кунига



Башарият эъзозидоги шоир

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти Г.Одилова, шоир Н.Жонузоқ ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бой илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган улкан ишлар миллий адабиётимизни ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Маънавият ва маърифатни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақида улуг шоир, мутафаккир

Давоми. Боши 1-бетда.

Алишер Навоий ижодининг ўрни беқиёсдир. Алишер Навоийнинг бадиий ва илмий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шоир асарларининг мукамал тўплами нашр этилди.

Шоирнинг асарлари умумтаълим масканлари, коллеж ва лицейлар, олий таълим даргоҳлари, илмий-тадқиқот муассасаларида кенг ўрганилмоқда. Буюк мутафаккир номи билан юритилувчи маърифат маскани — Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Навоий асарларининг электрон шаклини яратиш, бу йўналишда хориждаги нуфузли кутубхоналар, музейлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

Навоий асарлари жаҳон халқларининг кўлаб тилларига таржима қилинмоқда, китоб ҳолида нашр этилмоқда. Мутафаккир бобомизга улкан эҳтиром рамзи сифатида дунёнинг қатор шаҳарларида унинг ҳайкаллари

ўрнатилган.

Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Мариан Пшездзёцки Алишер Навоий асарларида тараннум этилган, инсониятни эзгуликка ундовчи гоғлар умрбоқийлиги билан бутун башариятнинг маънавий хазинасига айланганини таъкидлади. Шоирнинг ғазаллар тўплами яқинда польшалик мутахассислар томонидан илк марта поляк тилига ўгирилиб, алоҳида китоб ҳолида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган. Ўзбекистон халқ артисти А.Рафиқов «Фарход ва Ширин» достонидан парча ўқиди. Навоий ғазаллари билан айтувчи кўшиқлар ижро этилди. Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари шоир ғазалларини инглиз, немис, француз, япон, корей тилларида ўқиб берди. Навоийга бағишланган шеърлар ўқилди. Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойга гуллар кўйдди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбе-

кистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди. ***

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида Алишер Навоий ижодида бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, навоийшунос олимлар, ёш ижодкорлар, ёшлар иштирок этди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Н.Жабборов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири С.Сайид, Ўзбекистон халқ шоири Т.Низом, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири, шоир С.Ҳакимов ва бошқалар Алишер Навоий ижоди инсониятни эзгуликка ундаб келаётганини таъкидлади. Мушоирада улуг мутафаккир асарларида намуналар ўқилди.

Буюк шоир таваллудига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Футбол

●●● Куни кеча ФИФА (Халқаро футбол федерациялари уюшмаси) Бразилияда бўладиган Жаҳон кубоги баҳсларида майдонга чиқиши кутилаётган ҳакамлар учун ташкил этиладиган семинар-тренинглари тақвими эълон қилди.

Равшан Эрматов ФИФА семинарида



Хабарингиз бор, таниқли ФИФА рефериси Равшан Эрматов кетма-кет иккинчи марта жаҳон чемпионатида фаолият кўрсатади. Тақвими кўра, айти пайтда ҳамюртимиз Канар оролларида уюштирилаётган ўқув-машғулоти йиғинида қатнашмоқда. Мазкур йиғин 14 февралга қадар давом этади.

Навбатдаги семинар-тренинглари март ва апрель ойларида ўтказилиши белгиланган. Уларда Равшан Эрматов ўз ёрдмчилари — ФИФА лансменлари Абдулхамид Расулов, Баҳодир Қўчқоров (Қирғизистон)лар билан биргаликда қатнашади. Тадбирлар 24 — 28 март ва 7 — 11 апрель кунлари ФИФAnинг Цюрихдаги қароргоҳида бўлиб ўтади.

Халқ килувчи тўртинчи босқич тайёргарлик машғулоти жаҳон чемпионати бошланиши арафасида уюштирилади. 1 — 10 июнь кунлари ўтказиладиган семинар мундиалда хизмат килувчи ФИФА реферислари ва лансменлари учун охири ҳозирлик вазифасини ўтаб беради.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзА мухбири.

Диққат, танлов!

Журналистика соҳасида «ОЛТИН ҚАЛАМ» IX миллий мукофоти

●●● Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказлади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2013 йилнинг 31 мартдан 2014 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2014 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар: Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиозиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим: — муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; — муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2014 йил 2 майда — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига арафасида «Туркистон» саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

3-қават, 30-, 35-хоналар.
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.
www.Journalist.uz

Янги фильм

«Бекатдаги одам»

●●● Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига асосан «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Бекатдаги одам» бадиий фильмининг оммавий ахборот воситалари учун намоийши ва фильм ижодкорлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор самарасида миллий кино санъати ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Янги фильмда гавжум бекатларнинг бирида уч нафар беғуноҳ инсон ҳаётига зомин бўлган ҳайдовчи ва унинг айбини бўйинига олган ота ҳақида

ҳикоя қилинади. Картинада фарзанди ва онасидан айрилган, турмуш ўртоғи руҳий хасталикка чалинган бош қарамон — Дониёрнинг ички кечинмалари очиб берилган.

Кинолентада терговчи Рустам Сухробовнинг сайё-ҳаракатлари натижасида ҳақиқат ойланди. Бекатдаги ҳалокат бахтсиз тасодиқ бўлмади, балки қонунбузарлик экани, фарзандини жазодан қутқариш

учун отанинг қилган хатолари томошабини ўйлашга, инсон ҳаётининг қадр-қиммати, масъулият ва одабийлик ҳақида фикр юритишга ундайди.

Фильм Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, режиссёр Зулфиқор Мусоқов сценарийи асосида постановкачи режиссёр Тимур Мусоқов, постановкачи оператор Азизбек Арзикулов томонидан суратга олинган. Постановкачи расом — Мария Сошина. Бош ролларни Ёдгор Саъдийев, Сирожидин Вафоев, Фатхуллага Маъсудов, Кристина Таирова ижро этган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири.

Обод маҳалла — обод ватан

700 уй-жой қад ростлайди

●●● Ўтган йили Навоий вилоятининг 19 та массивида намунавий лойиҳалар асосида 600 та якка тартибдаги уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топширилди.

Жорий йилда эса вилоятнинг чекка қишлоқ ва овулларидоги 17 та массивида 700 га яқин кўрак ва шинам, барча қулайликларга эга ана шундай уй қурилиши режалаштирилган. Ушбу ҳудудлар тоза ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан тўлиқ таъминланади. Шунингдек, уларда 9 та ижтимоий инфратузилма объектлари, жумладан, гузарлар, савдо комплекси, бозор, новвойхона ва маиший хизмат кўрсатиш комплекслари қурилиши кўзда тутилган.

Ўз мухбиримиз.

●●● Анъанавий «Moscow Open — 2014» халқаро шоҳмот фестивали якунланди. Талаба-гроссмейстерлар ўртасида ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз муносиб донна сурдилар.

Гроссмейстеримиз Ғалабаси

Фестивалда Нафиса Мўминова кумуш медаль билан тақдирланди. Моҳир шоҳмотчимиз тўққиз имкониятдан 6,5 очко тўплади.

Грузиялик Мери Арабидзе 7 очко билан бош совринга сазовор бўлди. Мусобаканинг бронза медали эса украиналик Лиза Соловьевага насиб этди.

Реклама

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ



барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига тақлиф этади.

Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00дан 18.00гача.
Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.
Телефон: 244-39-47, 244-50-54.

www.vinsanoat.uz

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslhididdin MUHIDDINOV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFQOV	Ochiilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA		(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: **info@uzbekistonovozi.uz**

Г — 260
22082
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 01.30
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

